

«ТАСДИҚЛАНДИ»

"DORI-DARMON" АК

2022 йил 29-июнь Акциядорларнинг

йиллик умумий йигилиш қарори

билин

"DORI-DARMON"

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ

2022 ЙИЛГА

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Корхона номи: *"DORI-DARMON" AK*

Давлат улуши : *36,1%*

Идоравий тизим: *Акциядорлик компания*

Почтавий манзил : *Чорсу майдони, 21*

Электрон почтавий манзил: *Office@doridarmon.uz*

ИНН коди: *201389395*

Бошқарув раиси *У.С.Салихбаева*

Бош ҳисобчи *Д.С.Беркинов*

Тошкент ш. -2022й.

«Дори-Дармон» акциядорлик компаниясининг 2022 йилга

Бизнес режаси

I. «Дори-Дармон» АК тўғрисида қисқача маълумот.

1. «Дори-Дармон» АКсиning ташкилий тузилмаси.

II. «Дори-Дармон» АК ва унинг тизимидағи корхоналарнинг 2021 йил йиллик молиявий хўжалик фаолияти тахлили ва 2022 йил режалари;

1. «Дори-Дармон» АКнинг асосий стратегик йўналишлари.

2. «Дори-Дармон» АКнинг маркетинг режаси.

3. «Дори-Дармон» АК 2021 йил давомида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмлар тахлили ва 2022 йилга сотиб олиш режаси.

4. «Дори-Дармон» АК таркибидаги корхоналарда дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари ва эритмаларини тайёрлашдан даромади 2021 йил давомида.

5. Имтиёзга эга бўлган беморларга бепул бериладиган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминоти ахволи.

6. Дори-Дармон АКнинг 2022 йилга молия-хўжалик фаолияти режаси.

III. «Дори-Дармон» Ациядорлик бош компаниясининг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти тахлили ва 2022 йилга режаси.

1. «Дори-Дармон» АК бош корхонасининг 2021 йил баланси, даромад ва харажатлари таҳлили. 2022 йилга режалаштирилаётган даромад ва харажатлар.

2. Компаниянинг акциялари тўғрисидаги маълумот ва дивиденд сиёсати.

I."DORI-DARMON" акциядорлик компанияси тўғрисида маълумот

Компаниянинг номи:

- ўзбек тилида: «**DORI-DARMON**» акциядорлик компанияси
- ўзбек тилида қисқартирилган номи: «**DORI-DARMON**» АК
- Рус тилида: Акционерная компания «**DORI-DARMON**»
- Инглиз тилида: «**DORI-DARMON**» JOINT-STOCK COMPANY

Компаниянинг устави акциядорлар 2005 йил 20 июндаги умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2005-йил 27 июня 1144-сонли баённомаси асосида 27 ракам билан Давлат рўйхатидан ўтказилган.

Асосий фаолият тури **Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ва даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш.**

Ташкилий ҳукуқий шакли: Акциядорлик жамият

Устав жамғармасидаги давлат улуши: **36,1%**.

Юридик манзили: **Тошкент ш., Чорсу майдони, 21уй**

Ишчи хизматчилар сони **364** та.

Банк реквизитлари: **Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ
Мирзо-Улугбек бўлими.
x/p 20208000600109326001, МФО 00895
ИНН: 201389395.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 майдаги «Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмасини «Дори-Дармон» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги 131-сонли қарори ҳамда Давлат мулки кўмитасининг 2005 йил 2 июндаги ««Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмасини «Дори-Дармон» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги 58 к-ПО – сонли буйруғига биноан «Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмаси «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси этиб қайта ташкил этилган.

«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг бошланғич устав жамғармаси акциядорлик жамиятларнинг компанияга берилган давлат улуши акциялари, компанияга шўъба корхона (хозирда масъулияти чекланган жамият) бўлиб бирлаштирилган корхоналарнинг ва «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюшмасининг биргаликдаги мол-мулки ва маблағлари ҳамда бошқа активлар хисобига 2 007 200 минг сўм қилиб шакллантирилган. Хозирги кунга келиб Устав жамғармаси 86 309 600,0 минг сумни ташкил этади.

«DORI DARMON - НСР» шўъба корхонаси (хозирда масъулияти чекланган жамият) Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 3 декабрда № X03445-11-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Корхона косметик, атир-упа, дори-воситалари, тиббиёт буюмлари шунингдек белгиланган тартибда халқ истеъмол товарларини улгуржи ва чакана савдосини амалга

ошириш ва бунинг натижасида Компания манбаатлари учун фойда олиш мақсадларида ташкил этилган. Корхона фаолияти концепцияси соғлик ва гузалликни сақлаш учун кўп мақсадли, самарали ва безарар косметика билан таъминлашдан иборат.

«DORI DARMON» акциядорлик компанияси таъсисчилигида сұғурта компанияси ташкил этиш масаласи компаниянинг 2011 йил 15 мартағи Кузатув Кенгаши мажлисида қарор қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1552 рақам билан 2011 йил 14 июнда рўйхатга олинган. Сұғурта фаолиятини юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан СФ №001458 рақам билан 2011 йил 8 августда лицензия берилган. Лицензия Компанияга умумий сұғурта соҳасида ихтиёрий сұғурта турларининг 15 тадан ортиқ класси бўйича фаолият юритишига имкон беради. «DD GENERAL INSURANCE» масъулияти чекланган жамияти устави 95-сон билан рўйхатга олинган ва устав жамғармаси 4130,6 млн. сўм этиб белгиланган. Хозирги кунда низом жамғармаси 15 000.0 млн. сўмни ташкил қиласди.

Маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида “Дори-Дармон” акциядорлик компанияси ва “Самарқанд дори-дармон” АЖ таъсисчилигида «INTEGRA DD» МЧЖ ташкил этилган. 2010 йил 7 майда Самарқанд шаҳар “Тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш” инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган. Компаниянинг 2017 йил 24 майдаги 1/2017-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан Жамият устав жамғармасини кўпайтириш учун “Ўзбекистон Дори-Таъминоти” МЧЖ ўзининг 6 051,01 млн. сўм маблағини таъсисчи сифатида йўналтирган, 45,9% “Дори-Дармон” акциядорлик компанияга, 17,0% Самарқанд ДД АЖга тегишли булган.

Хозирги кунга келиб «INTEGRA DD» МЧЖти узининг 51,0% улуши чет эл фирмасига сотилган (ООО “МАНЖУКОВ ФАРМА” Болгария Республикасидан). 49,0% улуши “Дори-Дармон” акциядорлик компанияга тегишли.

Компаниянинг асосий мақсади янги очилган корхонада сифати жихатидан чет эл дори воситаларидан қалишмайдиган, жаҳон стандартларига жавоб берадиган, Ўзбекистон аҳолиси саломатлиги йўлида самарали қўмак берадиган ампулали дори воситалари ишлаб чиқаришdir.

Хозирги кунда «INTEGRA DD» МЧЖ томонидан 2021 йил давомида 4 422,8 млн. сўмлик дори воситалари ишлаб чиқариб халқقا етказиб берилди.

Сўнги йиллар давомида Компания ўзининг махсус омборхонасида иш унимининг сифатини ва тезлигини оширишга эришиш мақсадида ички логистика тизимини такомиллаштиришга энг юксак замонавий дастурланган техник линияларни ўрнатиб ишга туширишига муваффақ бўлди. Бунда дорихоналарда дори воситаларининг меъёридан ортиб туриб қолмаслиги, яроқлилик муддатидан ўтиб кетмаслигини олдиндан аниqlанишини таъминлайди.

Компанияга бирлаштирилган масъулияти чекланган жамияти сифатида ташкил этилган корхоналар:

1. «BUXORO DORI-DARMON» МЧЖ;
2. «JIZZAX DORI-DARMON» МЧЖ;
3. «QORAQUALPOQ DARI-DARMAK» МЧЖ;
4. «SIRDARYO DORI-DARMON» МЧЖ;
5. «SURXON DORI-DARMON» МЧЖ;
6. «XORAZM DORI-DARMON» МЧЖ;
7. «O'ZBEKİSTON DORI-TA'MİNOTY» МЧЖ;
8. «DORI-DARMON GARANT» МЧЖ;
9. «DORI-DARMON INVEST» МЧЖ;
10. «DORI-DARMON HCP» МЧЖ;
11. «INTEGRA DD» МЧЖ;
12. «DD GENERAL INSURANCE» масъулияти чекланган жамияти

Давлат улуши акциялар пакети Компания устав фондига берилган акциядорлик жамиятлари: (хозирги кунда)

1. «Андижон Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
2. «Навоий Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
3. «Наманган Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
4. «Самарқанд Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
5. «Тошкент вилоят Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
6. «Фарғона Дори-дармон» акциядорлик жамияти;
7. «Тошкент шаҳар Дори-Дармон» акциядорлик жамияти.

Компаниянинг 2013 йилга устав фонди Кузатув Кенгашининг ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига асосан 2012 йилнинг соф фойдаси ҳисобига акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан 40 144,0 млн. сўмга етказилди. 2014 йилга устав фонди 2013йилги соф фойда ҳисобидан Компания акцияларининг номинал қиймати 2700,0 сўмга оширилиб устав фонди 54 194,4 млн. сумга етказилди. Ҳозирги кунда акцияларнинг номинал қиймати 4300,0 сўмга, устав фонди эса 86 309,6 млн. сўмга оширилган.

**II. «Дори-Дармон» АКси ва унинг таркибидағи
корхоналарнинг 2021 йил молиявий хўжалик фаолияти таҳлили
ва 2022 йилга режалари:**

**1. "DORI-DARMON" акциядорлик компаниясининг асосий
стратегик йўналишлари.**

Республика аҳолисини сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, сотувдаги дори воситалари турларини кўпайтириш.

Даволаш профилактика муассасаларининг дори воситаларига бўлган талабини ўрганиб уларга зарур бўлган дори воситалари билан шартномалар асосида узлуксиз ва тўлақонли таъминлаш.

Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ҳаётий мухум бўлган асосий дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига, шу жумладан наркотик ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини таъминлаш;

Компания таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;

дори-дармонлар ва фармацевтика препаратлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш;

давлат заҳираси ва идоравий тиббий тузилмаларнинг даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон воситалари ва тиббий мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар билан таъминлаш;

дори-дармон билан таъминлашни ташкил этишга илғор алоқа манбалари, технологияларни тадбик этиш;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлашнинг истиқбол стратегиясини белгилаш;

таркибига киравчи корхоналарнинг модернизация қилинишида, технологик қайта жиҳозланишида ҳамда ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни жалб қилинишида ёрдам бериш;

аҳолини дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлашда ягона илмий-техник ва инвестиция сиёсати юритилишини ташкил этиш;

Компания таркибига киравчи корхоналар ўртасида ўзаро иқтисодий, замонавий техник алоқа муносабатлар тамойиллари ва уларни амалга ошириш усусларини ишлаб чиқиш;

Қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, сотиб олиш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;

ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунинига мувофиқ Компания қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

Ўз вазифаларини ҳал этиш учун Компания қуйидагиларни амалга оширади:

Компания ва унинг таркибига кирувчи корхоналар бўйича аҳолини дори воситалари билан таъминлаш шунингдек бизнес-режаларининг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, даволаш профлактика муассасаларини ва бошқа ваколатли корхоналарни улгуржи ва чакана савдо тизими орқали сифатли дори воситалари билан таъминлаш;

Компания таркибига кирувчи корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи молиявий механизmlарни жорий этиш;

Компания таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш ва қўшимча даромадлар олишга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ дори воситаларининг нарх-навоси соҳасида келишилган ҳолда сиёsat олиб бориш;

Компания таркибига кирувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш;

Компания ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг шаклларини, тизимини ва миқдорларини белгилаш;

Компанияни ривожлантиришнинг режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Компания фаолияти йўналиши бўйича хорижий мутахассисларнинг республикага келиши ва ўз мутахассисларини хорижга жўнатиш ишларини ташкил этиш;

Компания вазифалари ва фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликдан чекланмаган ҳолда юклатилган вазифаларни бажариш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат ва сафарбарлик захиралари қўмитасининг 2-гурух материалларини сақлаш ва ўз вақтида узлуксиз янгилаб бориш.

Компания таркибида фаолият кўрсатаётган дорихоналарда, дорихона шароитида тайёрлаб қадоқланаётган дори воситалари ва эритмалар турларини кўпайтириб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сон [карорига](#) асосан ўрнатилган тартибда имтиёзга эга бўлган 13 турдаги беморларга шифокор рецептлари асосида ўз дорихоналари орқали дори воситалари бериш.

Компания молиявий имкониятларини юксалтириш, аҳолига қулайлик яратиш ва дори воситаларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида савдо шахобчаларини очиш ва кўрсатилаётган савдо хизматининг сифатини ҳамда савиясини ошириш.

"DORI-DARMON" АКнинг акциядорлар олдидағи асосий вазифаси имкон қадар кўп фойда олиш ва акциядорларнинг дивиденд шаклидаги даромадларини мунтазам ошириб бориш

2. Компаниянинг маркетинг режаси

Республикамизда 10000 дан зиёд дорихона ва шахобчалари фаолият кўрсатиб келмоқда. 2354та компания тизимиға қарашли бўлиб бундан 231 та дорихона ва 2123 та шахобчалардир. Мавжуд дорихоналарнинг асосий қисмини хусусий дорихоналар ва уларга қарашли бўлган шахобчалар ташкил қиласди. Хусусий дорихоналар аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини катта қисмини таъминлайди. Бундан ташқари улгуржи савдо билан шуғулланадиган 150 тадан зиёд фармацевтик фирмалари мавжуд.

Дори воситалари улгуржи савдоси билан шуғулланувчи йирик рақобатчи фирмалар рўйхати

2021 йил давомида импорт рейтинги

(млн. сум)

№	Дистрибутор	% по количеству	% по сумме	Сумма UzSum
	Импортнинг умумий ҳажми			13 711 118,74
1	МЕРОС ФАРМ	17,24%	12,74%	1 746 599,01
2	ГРАНД ФАРМ ТРЕЙД	13,59%	11,99%	1 645 944,42
3	СЭС ОБ	1,83%	7,07%	974 697,05
4	ФАРМ ЛЮКС ИНВЕСТ	7,73%	4,86%	666 256,20
5	ЕВРО ФАРМ БИЗНЕС	1,08%	2,22%	304 453,27
6	ОЛИМЕКС	1,08%	1,96%	268 314,34
7	АСТОР АЛЬЯНС	0,80%	1,85%	254 158,08
8	ГД-ФАРМ	1,15%	1,78%	243 941,02
9	ШАЯНА ФАРМ	0,70%	1,68%	229 620,46
10	СЕРЕНЕ ФАРМА	0,71%	1,51%	206 794,61
11	СЛУЖБА САН-ЭПИД.БЛАГ и ОБЩ. ЗДОРОВЬЯ	0,55%	1,38%	188 052,48
12	КУРАМАКС МЕДИКАЛ	1,11%	1,37%	187 270,20
13	НЕО ФАРМ	0,35%	1,33%	182 475,01
14	АСКЛЕПИЙ	5,58%	1,30%	177 673,79
15	БИОТЕК ФАРМ	2,81%	1,29%	177 154,91
16	ХОУЛ ФАРМ	0,72%	1,27%	174 523,38
17	БАРАКА ДОРИ ФАРМ	0,64%	1,20%	164 728,55
18	ДОРИ-ДАРМОН ГАО	0,88%	1,15%	158 811,47
19	АДЖАНТА ФАРМА МАУРИТИУС	0,89%	1,12%	152 942,69
20	ОЛИМП МЕДИКАЛ	0,53%	1,07%	146 375,48
21	ТАР ФАРМ АЛЬЯНС	0,41%	1,02%	139 294,33
22	КУРАЦИО ФАРМ	0,54%	1,00%	137 603,24
23	ШИФОКОР-82	0,71%	0,96%	131 335,72
24	ХУРШИДА ЭНТЕР ДЭЛЮКС	3,03%	0,95%	129 949,25
25	ФАРМА ЧОИС	1,80%	0,86%	118 124,11

Кадрлар ва кадрлар сиёсати.

«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг малакали мутахассисларга ва ходимларнинг профессионал даражасини оширишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 2022 йилда куйидагилар бўйича ишлар давом эттириш:

«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси учун малакали мутахассисларни жалб этиш (излаш, танлаш);

Персоналнинг малакасини ошириш учун «DORI-DARMON» акциядорлик компания ходимларининг ўзини-ўзи аттестациядан ўтказиш анкеталарини ишлаб чиқиш;

ихтисослик ОЎЮ битирувчилари сафидан ёш мутахассисларни танлаб олиш мақсадида олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш;

«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг янги ходимларини мослаштириш бўйича ўқитиши ишларини олиб бориш;

кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш бўйича тадбирлар олиб бориш;

персонални баҳолаш услубларини такомиллаштириш. Ходимларнинг ички бошқа лавозимга ўтиши ва хизмат даражаси юқорилашувини бошқариш;

Мутахассисларни тайёрлаш Миллий марказларида ўқитиш орқали «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси ходимларининг малакасини ошириш;

«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси мутахассисларининг республикада ва чет элларда соҳага доир масалаларга бағишлиланган семинарлар ва тренинглардаги иштироқини таъминлаш.

Компания персаналининг малакасини ошириш дастури доирасида ходимлар ИТ, компьютер инженеринги ва телекоммуникация мажмуи кадрларини тайёрлаш олий ўқув юртлар ва марказларда мақсадли ўнналишларда ўқитиши кўзда тутилмоқда. 2020 йилга эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда, ходимларни ўқитиши ва малакасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши.

Ҳар бир ходимнинг талабгирилиги ва самарадорлиги – компания муваффақиятининг гаровидир.

3. "DORI-DARMON" АҚ 2021 йил сотиб олинган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари.

Компаниянинг зиммасига юклатилган вазифалардан бири бу фармацевтика ўнналишида хорижий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришdir

"DORI-DARMON" акциядорлик компанияси аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини сифатли, безарар ва самарали дори воситалари билан таъминлашdir. Шу мақсадида хорижий давлат фирмаларида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини шартномалар асосида келтирмоқда.

2021 йил дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сотиб олиш режаси.

Кўрсаткичлар	2020йил давомид а олинган	2021 йил давомида	2022 йил режа	Шу жумладан чораклар бўйича.			
				I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак
Хорижий давлатлар товарларини сотиб олиш (млн.сум)	255 839,8	159 782,5	250 000,0	50 000,0	65 000,0	65 000,0	70 000,0
1.Хорижий давлатлар товарларини махаллий дистрибуторлар оркали (млн. сўм). 2.Махаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш (млн. сўм).	115 533,0	164 502,6	150 000,0	37 500,0	37 500,0	37 500,0	37 500,0

"DORI-DARMON" акциядорлик компанияси, аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида ҳозирда 3000 хил турдаги тайёр дори воситалари, тиббиёт ва гигиеник буюмлари етказиб бермоқда. Бунинг самарали йўлларидан бири дорихоналарда «дорихона шароитида тайёрланадиган» дори воситаларининг тури ва миқдорини кўпайтириш.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини арzon нархдаги ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида компания тизимидағи корхоналарда дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари ва эритмалари тайёрлаб берилмоқда. Ҳозирги кунда бу дори воситалари ва эритмалар турлари 55 хилдан зиёддир.

**4. "DORI-DARMON" акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарда дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалари ва эритмаларини тайёрлашдан даромад
2019 йил, 2020 йил ва 2021 йил давомида.**

(минг сўм)

№	АЖ ва МЧЖ	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	«Андижон Дори-дармон» АЖ	124 805,5	45 216,5	16303,9
2	«Кашкадарё Дори-дармон» МЧЖ	180,0	0	0
3	«Навоий Дори-дармон» АЖ	66 212,0	140 808,0	32938,0
4	«Наманган Дори-дармон» АЖ	151 011,0	143 452,0	169373,0
5	«Самарканд Дори-дармон» АЖ	0	0	0
6	«Тошкент вилоят Дори-дармон» АЖ	0	0	0
7	«Фарғона Дори-дармон» АЖ	253 178,8	126 708,9	95069,2
8	«Тошкент шаҳар Дори-дармон» АЖ	15 479,4	12 717,4	0
9	«QORAQUALPOQ DARI-DARMAK» МЧЖ	1 849,3	400,0	3649,77
10	«BUXORO DORI-DARMON» МЧЖ	46 511,4	80 475,1	35926,1
11	«JIZZAX DORI-DARMON» МЧЖ	39 054,1	25 353,2	25441,4
12	«SURXON DORI-DARMON» МЧЖ	0	0	0
13	«SIRDARYO DORI-DARMON» МЧЖ	0	0	0
14	«XORAZM DORI-DARMON» МЧЖ	2858,2	0	0
15	«DORI-DARMON» АК	121 043,9	637 674,55	108 479,8
	Жами	822 183,6	1 151 997,65	487 181,17

Компания таркибидаги дорихона ва дорихона шахобчалари орқали аҳолига, тиббиёт муассасалари билан тузилган шартномаларга асосан имтиёзга эга беморларга дори-воситалари рецептлар асосида берилади.

"DORI-DARMON" АҚ тизимиға қарашли дорихоналардан амбулатория шароитида даволашда имтиёзга эга бўлган bemorlarга 2019 йил давомида 13 868 692,9 минг сўмни 2020 йилда 15 818 380,6 минг сумни 2021 йил давомида 22 853 209,5 минг сумлик дори воситалари берилган.

5. Дорихоналардан амбулатория шароитида даволашда имтиёзга эга бўлган bemorlarга рецепт асосида берилган дори воситалари

(минг сўмда)

т/р	Имтиёзга эга касалликлар рўйхати	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Онкологик касалликлар	3 773 390,0	4 324 188,0	5 220 458,4
2	Сил касаллиги	7 416,6	13 881,9	26 738,98
3	Мохов касаллиги	787 610,0	708,2	3 268,08
4	Эндокринологик касалликлар	5 091 027,2	5 927 984,7	10 442 891,18
5	Рухий касалликлар	3 453 814,1	4 896 280,8	6 112 923,84
6	ОИТС bemorлари	2 522,6	7 241,3	3 234,16
7	Юрак клапанларини протезлаш ва органларни алмаштириш бўйича операциядан кейинги bemorлар	17 312,5	12 244,1	18 361,84
8	Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз нафакаҳўрлар.	273 089,7	223 389,6	432 526,63
9	1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронти катнашчилари	117 700,9	46 053,9	50 968,37
10	1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглашадиган шахслар	82 544,6	92 306,9	127 756,14
11	Чернобиль АЭСидаги оқибатларини тутгатища катнашган ногирон шахслар	48 679,5	36 423,0	56 157,97
12	Байналминалчи жангчилар	203 373,8	221 068,7	295 524,68
13	Ядрорий майдонлар ва нурланган худудларда хизмат килганлар	10 211,4	16 609,6	62 399,23
Жами:		13 868 692,9	15 818 380,6	22 853 209,5

Компаниянинг акциялари тўғрисида маълумот

	%	Акция, минг сўм	Акция, дона
Давлат улуши	36,1	61 278 689,4	14 250 858,0
Юридик шахслар улуши	14,3	12 310 895,7	2 862 999,0
Жисмоний шахслар улуши	14,7	12 720 014,9	2 958 143,0
Жойлаштирилмаган акциялар (овоз бериш хукукига эга булмаган акциялар)	34,9	30 122 050,4	7005128
Жами:	100	86 309 600,0	20 072 000
мехнат жамоаси улуши (жамига нисбатан)	5,9	5 098 196,1	1 185 627,0

